

ОИЛА ИНСТИТУТИНИНГ ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТДАГИ ЎРНИ ВА ОИЛА  
МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛЛАРИ

Туррабоева Феруза Кушмат қизи  
Ижтимоий иши йўналиши талабаси  
Фаргона давлат университети

**Аннотация:** Уибу мақолада асрлар мобайнида шакланиб, қадрланиб ва сайқалланиб келаётган, муқаддас даргоҳ деб аталмиши оила қўргонининг ташкил топиши, унинг давлат ва жамият тараққиётидаги аҳамиятли жиҳатлари, ватан ичра кичик ватан бошқарувчилари бўлмии эркак ва аёлнинг яъни “подшоҳ“ ота ва “вазир” онанинг бир-бирига бўлган ўзаро муносабатлари, ўз бағрида кўрсатилаётган саҳоватлари ва меҳр-оқибатлари натижасида ватан равнақи, келажаги учун асосий таянч бўлиб хизмат қиливчи, маънан ҳамда жисмонан етук фарзандларни тарбияловчи ва вояга етишиширувчи мўжазигина сарой ҳаёти ҳакида фикр юритилган.

**Калит сузлар:** Оила, никоҳ, маҳалла, тарбия, соғлом муҳит, жамият, давлат, тараққиёт, концепция.

Биринчи президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда: ”Бу ёргундунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот хамиша эзгу ва орзу интилишлар билан яшайди”[1.35]. Оламлар Парвардигори Аллоҳ таолонинг энг муқаддас ва мўтабар кошоналаридан бири бу-оиладир. Бу муқаддас қўрғон албатта, Аллоҳ таолонинг хоҳиши иродасига биноан эркак ва аёл ўртасида никоҳ шартномаси асосида қурилади. “Дуррул Мухтор” номли фикҳ китобининг “Никоҳ фасли” бобида шундай сатрлар келтирилган: ”Одамзот учун никоҳ ва иймондан бошқа ҳатто жаннатда ҳам давом этадиган ибодат йўқ. Оила шундай бир саодатманд бир боғки, ҳатто жаннатда ҳам давом этади. Бир-бирларидан мамнун бўлган умр йўлдошларнинг ҳаёти эса ўлим билан ҳам тугамайди”[2]. Оила мустаҳкамлиги ва даҳлдорлигини таъминлаш, ҳаёт экранларида жабхаланувчи “Оила” деб аталмиш кинонинг бош қаҳрамонларига яъни ота ва онага боғлиқ. Энди савол туғилади. Нега айнан оиланинг метинде мустаҳкамлиги ота-онага бориб тақалади? Улар ҳам ҳамма сингари Аллоҳ яратган инсонку дейишингиз мумкин. Тўғри, улар ҳам оддий ҳамма қатори Парвардигорнинг қули, лекин уларнинг мақоми ва масъулияти жиҳатидан ўша сиз айтган ҳаммадан ажralиб туради. Оиладек кўркам боғни мустаҳкамлигини таъминлаш, оилада соғлом муҳит яратиш, ёвуз хатарлардан, қўнгилсизликлардан ҳимоялаш энг аввало, фарзанд дея улуғланувчи неъмат тарбияси, унинг улғайиши билан мунтазам шуғулланувчи ота-онанинг оиладаги бир-бирига бўлган муносабати ҳамда фикрлар уюшқоқлигига боғлиқдир. “Оилани муқаддас билмаганлар учун муқаддас нарсанинг ўзи йўқ”, -дейди Ўткир Ҳошимов ўз асарларининг бирида[3.39]. Оила давлатнинг асосий негизи

ҳисобланади. Бундан кўриниб турибди, азалдан аждодларимиз шунга амин бўлганки, ҳар томонлама мустаҳкам қилиб барбо этилган оила жамият тараққиётига улкан ҳисса қўша олади. Ватан ичра кичик ватаннинг давлат билан ўзаро ҳамкорлиги асрлар мобайнида уйғунлашиб келган, яъни оилада ота-она тарбияли, ақлли, зукко ва энг муҳими ватан, давлат тараққиётига нафи тегадиган, унинг ривожи ҳамда баркамоллиги учун тинмасдан изланишда ва ҳаракатда бўлувчи фарзандларни давлат билан биргалиқда тарбиялаб вояга етказади. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ биринчи президентимиз Ислом Каримов томонидан бу азалий одатни янада мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш кенг даражада амалга оширилди. Биринчи президентимиз Ислом Каримов оиланинг давлат миқёсидаги ўрни ҳақида шундай фикрларни билдирган: “Биз мустақиллик даврида оила институтини жамиятнинг бошқа муҳим ижтимоий тузилмалари, юртимиздаги маънавий ўзгаришлар билан уйғун тарзда ривожлантириш, унинг нуфузини ошириш масаласига давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналиши сифатида доимий эътибор бериб келмоқдамиз” [1.36]. Эркинликнинг дастлабки йилларидаёқ президентимиз ташаббуси билан оила институтини мустаҳкамлашнинг муҳим воситаси бўлмиш “Маҳалла” шакллантирилди. Оила қўргонини қонуний ва ижтимоий жиҳатдан ҳар томонлама ҳимоя қилиш мақсадида, давлатимизнинг асосий қомуси Конститутциянинг XIV боби “Оила” масалаларига бағишлианди. Шу ўринда Конститутцияда келтирилган 63-моддани қайд қилиб ўтсак ”Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлигига асосланади”[4.21]. 2000-йил 30-31 август кунлари бўлган учинчи сессия қарори билан Олий Мажлис парламенти таркибида “Оила ва аёллар муаммолари комиссияси”ташкил этилиб, бу комиссиянинг мақсади-оилани давлатдаги ўрнини янада мустаҳкамлаш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-сиёсий соҳалардаги мавкеини кўтариш, оила билан боғлик бўлган муаммоларнинг ҳуқуқий ечимларини топиш ва амалга ошириш имкониятларини янада кенгайтиришдан иборат эди[5.70]. Оилани ҳар томонлама мустаҳкамлигини қўллаб-қувватловчи, моддий ва маънавий жиҳатдан таъминловчи, унинг қўламини кенгайтирувчи, ижтимоий барқарорлигини оширувчи жараёнлар маҳалла институтларининг зиммасидадир. “Биз ҳар қайси хонадон, бутун эл-юртимиздаги маънавий иқлим ва вазиятни англамоқчи бўлсак, бу борадаги ҳақиқий манзаранинг ёрқин ифодасини аввало, маҳалла ҳаётида худди ойнадек яққол кўриш имконига эга бўламиз”, - дея бежиз таъриф бермаган биринчи президентимиз И.А.Каримов[1.38]. Дарҳақиқат, ҳар бир инсоннинг энг яқин сирдоши ота-онаси бўлса, давлатимиз таянчи бўлган оилаларнинг энг яқин дўсти маҳалладир. Чунки маҳалла катта бир оила бўлиб, унда маҳалла ота ва она, оилалар эса, уларнинг фарзандлари сингаридир. Ота-она ўз фарзандини иссиқ-совуғидан хабар олиб, уни ҳар томонлама ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан юксалтириб, моддий жиҳатдан таъминласа, маҳалла институтлари ҳам таркибидаги оилаларнинг барчасини ота-она

каби ўз бағрида камол топтиради. ”Ватан тинч- оиланд тинч” халқимизда ана шундай ажойиб бир нақл бор[6.5]. “Энг катта баҳт, мен буни минг марта қайтаришдан чарчамайман, оиласиз тинч булсан! Оила кичик ватан, оила тинч бўлса, баҳтли бўлса, ватан тинч бўлади. Ўша баҳтли кунларни ватанимизнинг, ёшларимизнинг камолини ҳозир ният килаётганимиз каби кўриш ҳаммамизга насиб этсин!”, - дея айтган ўз нуткида президентимиз Ш.Мирзиёев[7]. Бугунги кунда муҳтарам президентимиз ташаббуси билан оила институтларининг ижтимоий тараққиётдаги ўрнини ошириш ва оила мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Президент Фармони, “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш” концепцияси қабул қилинди. Мазкур концепцияни хаётга татбиқ қилиш мақсадида “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази ташкил этилди.[8] Оила институтини мустаҳкамлашнинг 5 та асосий йўналишлари белгиланган бўлиб, улар қўйидагича изоҳланади:

- 1.Оила институтини мустаҳкамлашнинг институционал ва хуқукий асосларини такомиллаштириш, ижтимоий шерикликни кучайтириш;
- 2.Замонавий оилани мустаҳкамлаш ва ривожлантириш масалалари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб бориш;
- 3.Демографик ривожланишни рафбатлантириш ва оила фаровонлиги даражасини ошириш;
- 4.Оиланинг тарбиявий-таълим салоҳиятини мустаҳкамлаш, жамиятда анъанавий оилавий қадриятларни сақлаш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш;
- 5.Оилаларга таъсирчан методик консультатив ва амалий ёрдам кўрсатишнинг самарали тизимини яратиш.

Ушбу оила институтини мустаҳкамлаш концепцияси ва уни амалга ошириш бўйича “Йўл ҳаритаси” тасдиқланди[9]. Бундай улкан ва кенг қамровли ислохотларнинг негизида оилада соғлом муҳит яратиш, фарзандлар тарбияси билан жуда қаттиқ шуғулланиш, ёшларимизни ватанга, жамиятга муҳаббат руҳида вояга етказиш, уларни турли хил касб-хунарларга йўналтириш ҳамда эрта турмуш қуруш олдини олиш масалалари кузда тутилган. Оилавий келишмовчиликларни олдини олиш мақсадида ҳафтанинг ҳар чоршанбаси “Аҳил оила куни” дея эътироф этилди. Мамлакатимизни жаҳон миқёсида ривожланиши ва улкан ютуқларга эришиши учун оилаларимиз аҳил ва иноқ бўлиши, бир-бирларини тушуниши, ҳурмат қилиши ва энг аввало, эл- юрт равнақига ўз ҳиссаларини қўшиш мақсадида доимо ҳаракат ва изланишдан тўхтамасликлари лозим. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда: ”Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан биргаликда курамиз”.

Юқоридаги баён қилинган фикрлар юзасидан қўйидаги хуносага келамиз:

Биринчи: Биз ёшлар бугунги кунда оила деб аталмиш муқаддас кўрғоннинг қай йўсинда ташкил топишини, унинг замирида кандай кийинчиликлар борлигини, у биз

ўйлаганчалик енгил юқ эмаслигини, оила қўрғонининг тош-у тарозиси оғирлигига кўпчиликнинг бардоши етмаслигини англамоғимиз даркор. Шуни унутмаслигимиз керакки, бу ҳаётда оила мустаҳкам ва бардавомлигини сақлаш учун оиланинг яъни турмушнинг кўплаб “мушт” ларига кўз юмишимиз ва ички келишувлар асосида ҳал килмоғимиз керак.

Иккинчи: Оила ва давлат ўртасидаги ҳамкорликни ташкил қилиш учун аввал, оила пойдеворини мустаҳкам қуришимиз, унда соғлом муҳит билан биргаликда маънавий ҳамда руҳий камолотга эришишимиз кераклигини тушунмоғимиз лозим. Чунки давлатни оиласиз, оилани давлатсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Учинчи: Давлат ва оиланинг узвий алоқаларини яъни улкан келажакни барпо қилишда оила институтларининг аҳамияти қай даражада катта эканлигини билишимиз ҳамда оила ва давлат бағрида вояга етаётган ёшларнинг ақл-заковати, таълим-тарбияси муҳим аҳамият касб этишини идрок қила олишимиз зарур.

### **FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YHATI:**

1. Ханкелдиева, Г. Ш. (2017). Корхоналар корпоратив бошқарувининг баҳолаш усулларини таҳлил қилиш. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали, 5.
2. Ханкелдиева, Г. Ш. (2018). Глобаллашув шароитида электроэнергетика тармоғида стратегик бошқарув усулларидан самарали фойдаланиш. Иқтисодиёт ва таълим, 5, 357-363.
3. Хонкелдиева, Г. Ш. (2018). Развитие промышленных предприятий в Республике Узбекистан. Т.: Иқтисодиёт ва таълим.
4. Ханкелдиева, Г. Ш. (2020). Пути эффективного развития инновационной деятельности производственных предприятий республики узбекистан. In Наука сегодня: теория и практика (pp. 29-32).
5. Хамракулов, И. Б. (2023). ОРГАНИЗАЦИОННО-ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА РАЗВИТИЯ ЭЛЕКТРОЭНЕРГЕТИЧЕСКИХ ПРЕДПРИЯТИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ. MODELS AND METHODS FOR INCREASING THE EFFICIENCY OF INNOVATIVE RESEARCH, 2(23), 398-402.
6. Хамракулов, И. Б. (2023). ЖАҲОНДА «ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ» НИНГ ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ХОЗИРГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ. Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities, 11(4), 2361-2366.
7. Хамракулов, И. Б. (2023). НЕОБХОДИМОСТЬ И ВАЖНОСТЬ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ ЗЕЛЕНОЙ ЭКОНОМИКИ. JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH, 6(4), 1142-1146.

8. Bakhtiyorovich, K. I. (2023). DEVELOPMENT OF MONITORING INSTRUMENTS OF EFFICIENCY OF SMALL INDUSTRIAL ZONES. Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities, 11(4), 1994-1999.
9. Хамракулов, И. Б. (2022). Кичик саноат зоналарини ривожлантиришнинг моҳияти ва ўзига хос ҳусусиятлари. *Scientific progress*, 3(1), 328-334.
10. Хамракулов, И. Б. (2021). Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантиришнинг назарий асослари. *Scientific progress*, 2(7), 586-592.
11. Хамракулов, И. Б. (2022). КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ СТРАТЕГИК ИМКОНИЯТЛАРИ. *Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS)*, 2(Special Issue 2), 140-146.
12. Ханкельдиев, Ш. Х., & Саидахматов, А. В. (2021). Инновационные подходы к повышению уровня специальной физической подготовленности юных таэквондистов. *Наука сегодня: история и современность* [Текст]: материалы, 40.
13. Ханкельдиев, Ш. Х., & Султанова, Н. Я. (2021). Физическое развитие учащихся девушек среднего школьного возраста общеобразовательных школ. In *НАУКА СЕГОДНЯ: ЗАДАЧИ И ПУТИ ИХ РЕШЕНИЯ* (pp. 74-75).
14. Зокирова, С. Х., Хамракулов, Ж. Б., & Кадирова, Н. Б. (2020). Полевая влагоемкость, влажность почв и песков Центральный Ферганы. *Universum: химия и биология*, (5 (71)), 5-9.
15. Zokirova, S. X., Akbarov, R. F., Isagaliyeva, S. M., & Xonkeldiyeva, K. R. (2021). Sand Distribution In Central Fergana. *The American journal of interdisciplinary innovations and research*, 3(01), 113-117.
16. Zokirova, S. X., Ahmedova, D., Akbarov, R. F., & Xonkeldiyeva, K. R. (2021). Light Industry Enterprises In Marketing Activities Experience Of Foreign Countries In The Use Of Cluster Theory. *The American Journal of Management and Economics Innovations*, 3(01), 36-39.
17. Бахтиёрович, Ҳ. Ж. (2022, August). ЭКОЭТИК КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ЗАРУРАТИ. In *E Conference Zone* (pp. 13-16).
18. Хонкелдиева, К., Раҳимова, Ҳ., & Ҳасанхужаева, У. (2021). Предупреждение преступности среди несовершеннолетних. In *Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы* (pp. 34-35).
19. Xonkeldiyeva, K., & Xo'jamberdiyev, J. (2020). Экономика и социум.
20. Хайдаров, Ҳ., Нурматова, И., & Хонкелдиева, К. (2021). Факторы формирования сильного конкурентного рынка в текстильной промышленности. In *НАУКА СЕГОДНЯ: ВЫЗОВЫ И РЕШЕНИЯ* (pp. 59-61).
21. Хамракулов, И. Б. (2021). Теоретические основы создания и развития малых промышленных зон. In *НАУКА СЕГОДНЯ: ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ* (pp. 49-51).

22. Khamrakulov, I. (2022). Organizational and economic foundations for creating small industrial zones in Uzbekistan. Asian Journal of Multidimensional Research, 11(10), 233-237.